



МУНОСАБАТ

МИЛЛАТ КАМОЛИ УЧУН

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонини ўқиб

Фазл мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида Парвардигори олам ўз буюк қудрати билан инсонни «ал-мутакаллим», яъни «сўз эгаси» қилиб яратганини таъкидлаб ўтар экан, «Ва то ул бу мазҳарият шарафидин жамийи махлуқотқа сарафроз бўлди ва бу ташриф бида борсидин имтиёз топти», дейди.

Ундан буён неча асрлар ўтди, не-не замонлар кечди. Бу тил, бу адабиёт қанчадан-қанча хору сарсонликларни бошдан кечирди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур тисолида ёру диёр соғинчида нолалар чекди, Бобораҳим Машраб бўлиб дорға осилди, «Фигонким гардиши даврон...» дея ўз оху зорлари остида ўз Ватанидан бадарға қилинди.

Бир замонлар бўлдики, босқинчи ва истилочи кучлар томонидан Самарқанд, Бухоро, Хоразм минорлари тисолида ўқбўрон қилинди, тўпга тутилди. Бу тил, бу адабиётнинг боболар ётган табаррук қадамжолари ўша мустабил тузумларнинг ўғитхонасига айлантилди. Муқаддас обидалар қандай емирилган, поймол қилинган бўлса, бу тил, бу адабиёт ҳам худди шундай камситилди, топталди ва ҳўрланди. Юртпарварлик, миллатпарварлик қаломни, ҳақ сўз учун бу адабиёт қатағон қилинди, «Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳўр тугилгонсен» дея фарёду фигон қилган Чўлпонлару Қодирийлари бир бошдан «Қиличларнинг тилларида қизил қон» замонларнинг қиличидан ўтказилди. Миллатнинг бошига нимаики хору зорлик тушган бўлса, тил ва адабиёт ҳам жонидан ўткарди, тил ва адабиёт нимаики камситиш ва таҳқирлашга дучор қилинган бўлса, халқ ва миллат ҳам бундан «бебаҳра» қолмади.

► Давоми 3-бетда.

ЎзХДП: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИШ

ва муаммоларни бартараф этишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди

Мамлакатимизда жамиятни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазибаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг иштироки тобора кенгайиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмаларининг роли ошиб бормоқда. Бунини қонунчиликка маҳаллий вакиллик органларининг ваколат

ва имкониятларини кенгайтириш бўйича киритилаётган ўзгаришлар, шунингдек, депутатлар ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқилаётган муҳим масалалар мисолида ҳам кўриш, ҳулоса қилиш мумкин.

Сиёсий партиянинг жамият ҳаётида мустақам ўринга эга бўлиши, унинг гоялари одамларга етиб боришида Сайловолди дастури муҳим аҳамиятга эга,

албатта. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида илгари сурилган муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар ижросини таъминлаш мақсадида партия Марказий Кенгаши томонидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилинган.

► Давоми 2-бетда.

15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН,

меҳр-муҳаббат маскани

Мамлакатимизда оила бахти, унинг мустақамлиги доимо эътиборда. Ўз навбатида, партиямиз ташкилотлари ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, жамиятда мустақам оилалар сони кўпайиши, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ташаббус ва лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

2

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА



2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида

534 лойиҳа бўйича қиймати

981,3 миллиард сўмлик ёки 2015

йилнинг шу даврига нисбатан

1,5 баробар кўп маҳсулот ишлаб

чиқарилди.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ



«Ёш сиёсатчи — 2016»:

туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда

Шу кунларда «Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг туман-шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда. Кўриш кеча танловнинг Самарқанд шаҳар босқичи натижасига етди. Иштирокчилар 3 шарт бўйича ўз билимларини синондан ўтказишди.

Янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, маҳаллаларда ижтимоий инфраструктура ривожлантириш масалаларига қаратилган лойиҳалар тақдим этилди.

— Танловда «Иш ва фаровонлик барча учун» деб номланган лойиҳам билан иштирок этдим, — дейди **Алижон Собиров**. — Ундан қўзланган мақсад сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали кишлоқ аҳолисининг бандлик даража-

сини кўтариш ва кам таъминланган оилалар даромадини ошириш ҳисобланади.

— Танлов юқори савияда ўтказилди, — дейди **ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Шоира Норкулова**. — Ёшларнинг шижоати, дунёқараш, ўз мустақил фикрига эга экани ҳар бир шартда яққол сезилиб турди. Иштирокчилар электротар манфаатларини ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қиладиган лойиҳаларни тақдим этишди. Энди уларни амалга оширишга қўмаклашимиз керак.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни **Зухо Лапасова** қўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Ислонбек УМИРОВ

Фарғона



БУГУН ОНА ЮРТДА...

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Фарғона ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини, шунингдек, ёшларни ишга жойлаштиришга қўмаклашиш мақсадида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасида 145 корхона ва ташкилот қатнашди. Иштирокчиларга ташкилотлар томонидан 380 та бўш иш ўрни таклиф этилди. Ярмаркада қатнашган 485 нафар фуқаронинг аксариятига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

Мазкур ярмаркада Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси томонидан тадбиркорлик билан шугулланиш истагини билдирган 20 нафар коллеж битирувчисига имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилди.

Самарқанд

СКРИНИНГ МАРКАЗИ — ЯНГИ БИНОДА

Самарқанд вилоят «Она ва бола скрининг маркази» ҳамда вилоят репродуктив саломатлик марказининг капитал реконструкция қилинган янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худоев, Республика скрининг маркази раҳбари Мадина Шарипова, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Рабимова марказларнинг замонавий бино ва шaroитларда иш юритиши аҳоли саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

— Республика миқёсида жорий йилда 168 тиббиёт иншоотини барпо этиш ва реконструкция қилиш учун 533,3 миллиард сўм йўналтирилган, — дейди Асилбек Худоев. — «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросига кўра, Самарқанд вилоятида скрининг ва аҳоли репродуктив саломатлик марказларининг янги, ҳар томонлама қўлай бинога кўчирилиши муҳим аҳамият касб этади, вилоятда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни янада қучайтиришга хизмат қилади.

Янги бинодаги скрининг марказида УТТ текшируви, акушер-гинекология, тахлилхона каби 17 бўлим фаолият кўрсатади.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида 2016 йилги болаларнинг ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳамда уни намунали ўтказиш юзасидан мувофиқлаштирувчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Зафар Рўзиев олиб борди.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсонбой Ражабов оромгоҳларни талаб даражасида таъмирлаш, зарур жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

(Ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗХДП САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДА

ҚЎШРАБОТ ТУМАНИДА «САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР — ДАВР ТАЛАБИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР-ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН» ШИОРИ ОСТИДАГИ НАВБАТДАГИ ТАДБИР НУРОБОД ТУМАНИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

«ЁШЛАР ТАҚДИРИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ». НАРПАЙ ТУМАНИДА ЎТКАЗИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИ ШУ МАВЗУГА БАФИШЛАНДИ.

ЎЗХДП: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

■ 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш сайловчилар ишончини оқлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда долзарб аҳамият касб этади.

ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИШ

ва муаммоларни бартараф этишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди

Унда энг аввало, партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган муҳим масалаларга ечим топиш ҳамда мақсадли дастурларнинг ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини олиб бориш, бу борада партия гуруҳлари ишини мувофиқлаштириш масалалари ўз ифодасини топади.

Ҳўш, бу ишлар қай даражада амалга оширилмоқда? Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш бўйича маҳаллий Кенгашлар ва партия ташкилотлари томонидан қандай тажриба тўпланди? Ушбу масалада самарадорлиқни ошириш учун қайси жиҳатларга эътиборни қўйиш керак? Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида амалий Ҳаракат дастурининг 2015 йилдаги ижроси таҳлили ҳамда шу борадаги фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратдик.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими томонидан берилган маълумотларга қараганда, ўтган йил давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан 189 масала ўрганилиб, шундан 127 масала доимий комиссия йиғилишларида, 87 масала сессияларда муҳокама этилган.

— Андижон, Жиззах, Сурхондарё, Фарғона вилоятларидаги партия гуруҳлари Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда нисбатан фаол иштирок этди, — дейди **ЎЗХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Назира Матёкубова**. — Партия гуруҳлари ташаббуси билан муҳокама қилинган масалаларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қилинган бўлса, асосий урғу электорат манфаатларини таъминлашга қаратилганини кўрамиз. Мисол учун, дастурий мақсадларимизнинг муҳим йўналишини ташкил этувчи аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар 33 ҳудудда тегишли тартибда муҳокама этилган. Уларнинг 7 таси партия гуруҳлари, 11 таси доимий комиссиялар ҳамда 15 таси сессиялар муҳокамасига олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган. Хусусан, ушбу масалалар Андижон вилоятининг Олтинкўл, Жиззах вилоятининг Мирзачўл, Наманган вилоятининг Чуст, Самарқанд вилоятининг Ўргут, Пахтачи, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Тошкент вилоятининг Бектемир туманлари ва бошқа қатор ҳудудларда кўриб чиқилган. Иш билан таъминлаш масаласининг кенг қўламда, кўп-

лаб туман ва шаҳарларда кўриб чиқилиши касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ҳаётида ўз ўрнини топиши, аҳоли турмуш даражаси орттиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли, албатта.

Партия Сайловолди дастурида белгиланган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган биринчи тез тиббий ёрдам сифатини ошириш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ 53 масала ўрганилиб, уларнинг 13 таси доимий комиссияларда, 28 таси сессияларда муҳокама этилди. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот, Андижон вилоятининг Ўлғубий, Андижон, Бўз, Жалақудуқ, Бухоро вилоятининг Бухоро, Жондор, Вобкент, Жиззах вилоятининг Бахмал, Дўстлик, Фаллаорол, Жиззах, Сурхондарё вилоятининг Термиз, Ўзун, Олтинсой, Музрабод туманларида ушбу масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларида кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тиббиёт соҳасидаги масалаларни изчил ўрганиш ва ҳал қилиш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш партиямиз учун долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун бу борада фаоллиқни ошириш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

— Ҳаракат дастурига кўра, пенсия ва нафақа пулларининг тайинланиши, ёш оилаларнинг имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жой билан таъминланиши, давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдам маблағларининг манзиллигини ўрганиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилаётган. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва амалда таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар саналади, — дейди **ЎЗХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Акмал Турсунбоев**. — Айтиш керакки, бу борада жами 36 масалани ўрганиш белгиланилган эди. Шундан 16 таси доимий комиссияларда, 11 таси сессияларда кўрилди. Бу борада Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Кегейли, Жиззах вилоятининг Арнаосой, Зомин, Наманган вилоятининг Ўйчи, Косонсой, Поп, Сирдарё вилоят-

Маҳмуджон АБДУЛАЗИЗОВ,
Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги
ЎЗХДП гуруҳи аъзоси:

— Бир нарсани эсдан чиқармаслигимизни истардим. Яъни, Ҳаракат дастури сайловолди кампанияси даврида аҳоли, хусусан, электорат вакилларига берилган ваъдалар ижросини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади. Эртага депутатлик фаолиятимизга ушбу дастурни амалга оширишдаги иштирокимизга қараб баҳо берилади.

Ҳаракат дастури ижроси ҳақида гап кетганда, яна бир жиҳатга эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман. Бу сессиялар муҳокамасига киритилаётган масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганишда ҳокимият вакиллари ва қорхона-ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорлиқни изчил ривожлантиришдир. Назаримда, бирор ижтимоий масала бўйича масъул ташкилотга фақатгина вазифа юклаб қўйиб билан чегараланмасдан, муаммони биргаликда ўрганиб, ечимини топишимиз лозим. Хулосам шунки, мутасадди ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилинса, ҳамфикр бўлинса, ижобий натижалар учун янада кенг йўл очилади.

тининг Сирдарё туманлари, айниқса, фаоллик кўрсатиб, қатор масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишга эришди. Шунингдек, Ҳаракат дастуридаги таълим тизимини янада ривожлантириш, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, ўқувчиларнинг давоматини ўрганиш йўналишларида ҳам муайян ишлар қилинди. Хусусан, бу борада 5 масала доимий комиссиялар, 8 таси эса сессиялар муҳокамасига киритилди. Бир жиҳатни алоҳида таъкидлашни истардим. Мазкур йўналишларда режалаштирилган масалаларнинг ўз вақтида ўрганилиб, ҳал этилиши аҳолининг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишида долзарб аҳамиятга эга.

Ҳаракат дастурида ижтимоий масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, коммунал соҳа, йўл, транспорт, муҳандислик коммуникация қурилиши ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш каби йўналишларда 10 дан ортиқ масала партия гуруҳлари, доимий комиссиялар ва сессияда кўриб чиқилди.

Умуман олганда, партия фаоллари, депутатлар томонидан ўрганилиб, муҳокамага киритилаётган масалалар, энг аввало, Сайловолди дастурида кўзда тутилган вазибалар ижроси, электорат манфаатларига қаратилгани билан муҳим ҳаётий аҳамиятга эга.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши томонидан амалий Ҳаракат дастури ижроси таҳлил этилганда, бу борада айрим минтақавий, туман, шаҳар кенгашлари ва

партия гуруҳлари томонидан сусткашликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Аниқроғи, сессиялар муҳокамасига киритилиши лозим бўлган айрим масалалар фақатгина партия гуруҳи ва доимий комиссияларидагина кўриб чиқилган, холос.

Айтиш керакки, бундай ҳолатлар билан мурося қилиб бўлмайди. Қайси ҳудудда партия ташкилоти ёки депутатлик бирлашмалари қоникорсиз фаолият юритса, ўша жойда электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ масалалар ҳал этилмай қолади. Бу эса партияимизнинг жамиятдаги нуфузига салбий таъсир ўтказди.

Ҳаракат дастурининг ижроси таҳлили шунки кўрсатмоқдаки, партия ташкилотлари ва депутатлар олдида жуда муҳим вазибалар турибди. Хусусан, сессиялар муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан чиқарилган қарорлар ижросини қатъий назоратга олиш, ҳудудларнинг ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, тақлифлар бериш, ташаббускорлик, талабчанлик кўрсатиш зарур бўлади. Чунки жорий йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ҳам сайловчилар ҳақ-ҳуқуқлари, электорат манфаатлари билан боғлиқ долзарб ижтимоий масалалар белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳаракат дастури ижроси кўп жиҳатдан минтақавий ташкилотлар ва партия гуруҳлари фаолиятига боғлиқ. Ана шунки чуқур аниқланган ҳар бир партия фаоли, депутат ўз ишини юқори талаб ва мезонлар асосида олиб боради, электорат манфаати изчил ва самарали ҳимоя этилади.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗХДП «ФАОЛ
АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят ва Термиз туман кенгашлари «Қаҳрамон» қишлоқ врачлик пунктида «Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказди.

Унда вилоят ва туман партия кенгашлари мутасаддилари, тиббиёт бирлашмаси ходимлари ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлам вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳақида сўз юритишди.

Она ва бола соғлиғи — жамият бойлиғи

«Фаол аёллар» қаноти хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда яқин кўмакчи бўлаётгани таъкидланди.

— Аёл бахтли бўлса, жамият тараққий этади, — дейди **ЎЗХДП Термиз туман кенгаши раиси, партия гуруҳи раҳбари Турабек Зоиров**. — Шундай экан, уларни қўллаб-қувватлаш ва қўлай шароит яратиш устувор вазифадир. Ўтган йили Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги масала депутатларимиз томонидан ўрганилган ва сессияда тегишли қарор қабул қилинган эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида иш олиб бораётган. Аниқланган камчиликлар бартараф этилишига ҳаракат қилишимиз.

— Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш давр талаби, — дейди **Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши сектор мудири Нилуфар Шайманова**. — Чунки ҳаёт аёл бахти билан янада тўқис, янада фаровон бўлади. Тадбир доирасида «Қаҳрамон» қишлоқ врачлик пунктида

Ўтган йили Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги масала депутатларимиз томонидан ўрганилган ва сессияда тегишли қарор қабул қилинган эди.

амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. Тажрибали шифокорлар аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатаётгани бизни хурсанд қилди. Бундай учрашувларни бошқа ҳудудларда ўтказишга ҳам келишиб олдик.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Термиз туманида аҳоли саломатлигини асраш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда. Жорий йилда «Сурхон» шифо маскани фойдаланишга топширилган бўлса, 2016-2018 йилларда туман тиббиёт бирлашмасининг янги маъмурий биноси, поликлиника ва диагностика бўлими бунёд этилиши кўзда тутилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қизилгул ҚОСИМОВА,
Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги
ЎЗХДП гуруҳи аъзоси:

— Бугун маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар олдида турган энг муҳим масалалардан бири — бу Ҳаракат дастурида белгиланган вазибалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишдир. Биз режалаштирилган йўналишларни партия гуруҳи, доимий комиссия ҳамда сессиялар муҳокамасига олиб чиқишда ташаббускор бўлишимиз керак. Шуниси ҳам борки, Ҳаракат дастурида белгиланган масалаларни фақат муҳокама қилиш билан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Жойларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳали ечимини қўлга келтирилмаган муаммолар оз эмас. Тўғри, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз бу борада анча фаоллашди, партия гуруҳлари, доимий комиссиялар, сессияларда мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланаяпти. Шу орқали муайян хулосалар чиқарилаяпти, албатта. Лекин фикримча, биз бу борада тизимлиликка эришмоғимиз, ҳар бир йиғилишда амалий қарорлар қабул қилиниши учун иштирокимиз зарур. Ақс ҳолда, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнларда сусткашликка йўл қўйишимиз мумкин.

◀ Давом. Бошланғич 1-бепда.

■ 15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН, меҳр-муҳаббат маскани

Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари оила бағрида шаклланади.

Тошкент вилояти Зангиота туманида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» мавзусидаги маданий-маърифий тадбирда шу фикр алоҳида таъкидланди.

Унда ЎЗХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Тошкент вилоят Зангиота туман партия кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, Зангиота туман ФХДБ бўлими, ёш оилалар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, имтиёзлар ва яратилаётган имкониятлар,

ҳуқуқий асослар тўғрисида маълумотлар берилди, бепул тиббий кўрик ва даволаниш тартиби, жойлардаги скрининг ва перинатал марказлари фаолияти ҳақида баътафсил тушунча бериб ўтилди.

— Жамиятимизда соғлом ва бахтли оилалар сони тобора ошиб бораётгани қувонarli, — дейди **ЎЗХДП Зангиота туман кенгаши раиси Моҳира Акрамова**. — Сунгги икки йил ичида 2 мингдан ортиқ хонадонга мўлжалланган 57 кўп қаватли «Қамолот» уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга топширилди. Президентимиз айтганидай, Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда оила бахти, унинг мустаҳкамлиги доимо эътиборда. Ўз навбатида, партиямиз ташкилотлари ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, жамиятда мустаҳкам оилалар сони кўпайиши, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ташаббус ва лойиҳа-



ларни амалга ошириб келмоқда. Тадбирда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Умаралиев** ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари, **Зангиота туман ФХДБ бўлими мудири Наргиза Каримова** оилалар мустаҳкамлигини таъмин-

лаш бўйича қатор ташаббус ва лойиҳаларни, халқ депутатлари **Зангиота туман Кенгаши депутати, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилобар Мўминова** оналар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш масалалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича ўзаро фикр алмашишди.

Тадбир якунида бир гуруҳ хотин-қизлар партия сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Тадбирда ЎЗХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Маданий-маърифий тадбир мавзулар бўйича тайёрланган сахна кўринишлари билан янада қизиқарли ўтди. Мазмунли ҳамда жонли мулоқот иштирокчиларни оиланинг муқаддаслиги ҳақида яна бир бор ўйлаб, мулоҳаза юритишга ундади шубҳасиздир.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

ЭЪТИРОФ

Европада чоп этиладиган «The Brussels Europe Press Club Magazine» журналининг навбатдаги сониди ушбу нашр бош муҳаррири Антонио Бускардини қаламига мансуб «Замонавий Ўзбекистон» сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Замонавий Ўзбекистон — юксак тараққиёт ТИМСОЛИ

Мақола муаллифи ўқувчиларнинг диққатини Ўзбекистон эришган салмоқли муваффақиятлар ҳалқроқ молиявий институтлар томонидан эътироф этилганига қарат экан, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганини маълум қилган. Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотиغا сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилгани ҳам таъкидланган.

Муаллиф мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот шаклланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни хусусида ҳам тўхталиб, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етганини ёки 1,8 баробар ошганини кайд этган. «Айни пайтда бу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилаётган. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу жаҳада меҳнат қилмоқда».

«Мамлакат қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари жадал суръатларда ривожланди. Утган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди», дейилади мақолада.

Нашр бош муҳаррири Ўзбекистоннинг молиявий жаҳада кўлга киритган муваффақиятлари мавзусига мурожаат қилар экан, банк, сугурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари Ўзбекистонда барқарор суръатлар билан ривожланаётгани ва улар хусусий сектор ҳамда кичик бизнес ривожига хизмат қилаётганини кайд этади. Шу ўринда муаллиф банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил этаётгани, бу умумий қабул қилинган ҳалқаро стандартлардан 3 марта кўп эканлигини таъкидлайди.

А.Бускардини сўнги йиллар давомида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришилгани Ўзбекистон аҳолисининг даромадлари янада ўсишига мустаҳкам замин бўлганини ҳам журналхонларга маълум қилган. «Аҳоли жон бошига жами реал даромадлар 9,6 фоизга ошди, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улуши эса 52 фоизга ўсдики, бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқоридир, деб ёзади журналист. БМТ ҳомиёлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва ҳалқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилган эди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, 2013 йили мамлакат бу рейтингда 60-ўринда эди».

Мазкур мақолада мамлакатимизнинг иқтисодий соҳада, жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим жабҳаларида эришган ривожланишга оид маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган. Алоҳида таъкидланганидек, таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотта нисбатан 10-12 фоизни ташкил этаётгани ва бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсиялардан қарийб 2 баробар кўндр.

«Шу тариқа, нашр «Ўзбек модели» самарадорлигининг тасдиғи бўлган замонавий тараққиётимиз оидимлари ҳамда эришган муваффақиятлари билан европалик журналхонларни яқиндан таништирган.

«Жаҳон» АА,
Брюссель.

■ Бу олийназар даргоҳдан насиб этса, келажакда адабиётимизнинг Навоийларию Бобурлари, Чўлпонларию Қодирийлари чиқишига ишонамиз.

Миллат камоли учун

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ўқиб

Тарихда давлат пешволарининг аҳолини, халқни бутун бошли миллатга, мамлакатни яхлит Ватанга айлантирадиган китоблари, маъруза ва фармонлари бўлган. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Темур тузуклари», Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарлари бунинг ёрқин далилидир.

Истиқлолимизнинг Бош меъмори, давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида», «Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажакга йўлда хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китоблари, Президентимиз республика раҳбари этиб сайланган куннинг эртасигаёқ, яъни 1989 йилнинг 24 июнида сўзлаган, китобга «Биз бундан буён эскача яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди» сарлавҳаси билан киритилган маърузаси ҳам Ватанимиз раҳбари ва миллатимиз камолини белгилаб берувчи ана шундай тарихий-дас-турий асарлар қаторида ўзининг муносиб ўрни ва мақоми борлиги билан ғоят қадрлидир. Биз бугунги озод ва обод ҳаётимизга осонликча эришмадик. Мамлакатимиз раҳбарининг ўз халқига келажак тақдири ҳақида қайғуришининг, жасорат ва матонат, Шаҳс ва улкан қалб, юксак тафаккур, мардоналикнинг тарихий битиклари бўлиши бу асарларни ҳақиқатан ҳам элу юрт тақдиринан айро ҳолда, элу юрт тақдири ва камолини эса бу асарлардан ажратган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас...

◀ Даоми. Бошланғич 1-бетда.

Президентимизнинг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети»ни ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ҳам, айтиш мумкин, мустақиллик йилларининг ана шундай тарихий ва залворли ҳужжати сифатида истиқлол зарварларидан муносиб ҳисоб олади. Кечмиш тарих ҳам, кечаги кун, бугунги замон ва келажак ҳам баб-баравар кенг қамраб олинган мазкур фармонни, таъбир жоиз бўлса агар, сермазмун, ҳар томонлама пухта ва мукаммал тарихий асарга қиёслаш мумкин. Фармон олис ва яқин тарих, маърифатпарвар ота-болаларимиз ҳақида, мустабил замонларнинг қаттол қиёфасио маданиятимиз, тил ва адабиётимиз бошига тушган балолар, қатагон йилларнинг армонларию гурур ва ифтихоримиз хусусида, маънавий камолот, миллат раванқига ёш авлод тақдири ҳақида кенг ва мўл маълумот бериш баробарида киши қалбини жунбушга келтиради, фикр ва мутолаза қилишга, масъулият ва дахлдорликка ундайди, ўйлантиради, фахр ва ифтихор бағишлайди.

Ушбу тарихий фармон шундоққина ўз-ўзидан пайдо бўлмани, унинг ҳар сатри ва ҳар бандида юксак идрок ва тафаккур, қалб ва юрак нафас олиб, бедор уриб турганини кўриш мумкин. Шу маънода мазкур

ҳужжат «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарининг маънавий-узий давоми янглиғ тил ва адабиёт аҳли учун ўз вақтида қабул қилинган, керакли ва ибратли, айни пайтда қувончбахш ва ғурурбахш маърифий-тарихий дастуриламал ҳамдир.

Сир эмас, жамиятимизнинг маънавий иқлими, маърифат ва маънавиятимиз, тил ва адабиёт аҳли билан ўсиб келатган ёш авлод аллақачон шундай номдаги олий таълим даргоҳига муҳтож эди. Ва бу эҳтиёж ўз-ўзидан пайдо бўлмаганини ҳаримиз собиқ мустабил тузум даврига тўғри келган ватандошларимиз юрак-юрагидан ўтказиб яшагани, битта-яримта ёш ижодкорларимиз озиб-ёзиб ёт ўлкалардаги адабиёт институтларида тасодифан ўқишга кириб қолса, ҳам ҳавас, ҳам ўқинч ва армон қилганларимиз ҳам бор гап. Мен бир ижодкор сифатида юксак шараф билан ному насаблари берилган бобомиз Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт университетига бу йил ўқишга кириб, шу олий мақомли таълим даргоҳида талабалик гаштини сурши насиб этадиган ука-сингилларим, ўғил-қизларимизга қувонч билан ва астойдил ҳавасим келяпти. Истиқлол шарофати билан номлари ҳам, мақомлари ҳам муносиб тикланган, қадр ва шараф топган Навоий бобомизнинг паноҳида юргандай, ул зотнинг кўркам ва ораста набиралари бу илму адаб бўстонида яйраб-яшнаб таълим олиб юрса, бунга шу юртнинг фарзандиман деган ҳар

кишининг ҳаваси келмоғи тайин! Бу олийназар даргоҳдан насиб этса, келажакда адабиётимизнинг Навоийларию Бобурлари, Чўлпонларию Қодирийлари чиқишига ишонамиз.

Биз ўзга юртлардаги Адабиёт музейларига маҳлиё бўлиб, ҳавас билан қарардик. Президентимиз фармони билан янги очилажак университет таркибида Ўзбек тили ва адабиёти музейи ташкил этиш тўғрисидаги юксак эҳтиром ва эътиборни кўриб кўзимизда ёш қалқди. Бундан кейин устоз адабларимизнинг ертўла ва эски қутиларда чанг босиб ётган қўлёзмаларию хат ва ёзишмалари ҳам шу эътибор туфайли бўлажак муҳташам музейдан ўз муносиб макенини эгаллайди.

Янги университет таркибида, инглиз-ўзбек таржима факультетининг ташкил этилиши, айниқса, ниҳоятда керакли ва вақтида қабул қилинган қарор бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Истиқлол берган ҳуқуқ ва эркинлик туфайли кейинги йилларда ёш таржимонлар сафи тобора кенгайиб, бу борада маълум ютуқларга эришилган бўлса-да, ушбу жараён тарқоқ ҳолда кечаётган эди. Махсус таржимонлик факультетининг очилиши, шак-шубҳасиз, келажакда адабиётимизга етук таржимонларини ҳам етказиб бериши, ўзбек адабиётини жаҳон аҳлига маълум ва машҳур қилишдек олийжаноб ва шарафли вазифани амалга ошириш борасида мустаҳкам пойдевор бўла олади.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.
Ў.А.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги
Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа
институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

«Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Куйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Ўсиб келатган авлодда ота-онани, катталарни ҳурматлаш, кичикларга ғамхўрлик қилиш, меҳрибонлик ва инсонийлик, меҳр-шафқат ва бағрикентлик, Ватани ва халқига садоқат каби юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш;
2. Кекса ёшдаги шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгиллар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ёшларни кенг жалб қилиш;
3. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаролик онгини юксалтириш, уларнинг мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган ишловлар ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
4. Ёшларнинг туғилиб ўсган ўз ўлкаси тарихи, маданияти ва меъморий обидалар ҳақидаги билимларини бойитиш, шу жумладан,

махсус клублар фаолиятини ташкил этиш, экскурсиялар ўтказиш, ахборот материаллари, буклетлар, стендларни чоп этиш ва тарқатиш орқали бойитиш;
5. Ўсиб келатган авлодда китоб ўқишга бўлган қизиқишни ривожлантириш, адабий дидни шакллантириш, китобга муҳаббат ва эҳтиёткор муносабатни тарбиялаш, ёшларда ўқишга бўлган иштирокини ошириш, кундалик ҳаётда китоб ўқишнинг амалий қадрини очиб бериш;

6. Техник йўналишдаги касб-хунарлар нуфузини ошириш, ёшларда муҳандислик билимни эгаллаш, танланган мутахассислик бўйича юқори маълумотга бўлган интилишни шакллантириш;

7. Ёш авлодни фан ва санъатга қизиқтириш учун зарур шароитлар яратиш, ёшларнинг республика ва халқаро танловлар, олимпиадалар ва мусобақаларда иштирокини ўз ичидой ва интеллектуал салоҳиятини амалга оширишни рағбатлантириш;
8. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи принципларини мустаҳкамлаш, жисмоний маданият ва спортни

оммалаштириш, ўсиб келатган авлодни алкоғолизм, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирлари, тахдидларидан асраш;
9. Ёшларда соғлом ва обод оилани барпо этишга интилишни шакллантириш, уларнинг насли ва туғма касалликлар профилактикаси масалаларига доир билимларини ошириш, оилада ижтимоий-психологик муаммоларнинг, эрта никоҳлар ва ажралишларнинг олдини олиш, ёшларнинг онгига тўй маросимларини ортика ҳашаматсиз ва хаддан ортқ исрофгарчиликсиз ўтказишнинг муҳимлигини синдириш;

10. Ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, айниқса, қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;
11. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни спорт турлари, фан ва санъатга қизиқтириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;
12. Ёшларда Ватанга чўқур муҳаббат, Қурулди Куч-

ларимиздаги фахрлини ва ҳарбий хизматга хурмат ҳисларини тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида ва маҳаллаларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш;
13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари нормаларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда жамоатчиликнинг, фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Давлат гранти ажратиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган устав (низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини

тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратилган грант суммаси миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 10

майдан 10 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: **100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.**

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ЕР ЮЗИДА

ҳар сонияда 2 мингга яқин момақалдирак, 50 марта яшин ўриш ҳодисаси рўй беради

Бангладешда яшин уришидан камида 50 киши, жумладан аёллар ва болалар ҳалок бўлди, — деб ёзади kommersant.ru сайти.

Статистик маълумотларга кўра, табиий офат қурбонларининг катта қисмини очик далада ишлаётган фермерлар ташкил қилади. Шунинг таъкидлаш кераки, Бангладешнинг бир қатор минтақаларида бир ҳафталик жазирамадан кейин ёгингарчилик рўй берибди.

Маълумки, чакмоқдан сўнг тушадиган яшин очик ҳавода бўлган инсон ва ҳайвонларга катта тахдид солади. Кўп ҳолларда чакмоқ дарахт ва темир йўлларга ўрнатилган трансформатор қурилмалари устига тушади ва ёгин келтириб чиқаради.




Самолётлар момақалдираклар фаолиги кузатиладиган минтақалар бўйлаб уммасликка ҳаракат қилишади. Ийлига момақалдирак вақтида ҳар бир самолёт бир неча бор яшин билан тўқнашади.

Мутахассисларнинг фикрича, Ер юзида ҳар сонияда 2 мингга яқин момақалдирак бўлиб, 50 марта яшин ўриш ҳодисаси рўй беради.

МАЖБУРАН

электромобилларга ўтишмоқда

Хитойнинг Тайюань шаҳрида такси ҳайдовчилари электромобилларга ўтказиладиган. Бу ҳақда шаҳар йўловчилар ташвиш бўлими маълумотида таъниб, Синьхуа хабар қилди.



Хозиргача газ ёнилғиси ҳамда бензиндан ҳаракатланувчи 4 мингдан ортиқ таксилар замонавий электр автомобилларига алмаштирилди.

Натижада шаҳарнинг ифлосланиш даражаси камайиб, такси ҳайдовчилари ёқилғи қуйиш шохобчаларида узок навбатлар кутмайдиган бўлди. Чунки электромобилини зарядлаш ҳақида смартифондаги махсус иловча орқали тўлаш мумкин.

Хитойнинг экологик тоза энергия манбаи ҳисобига ҳаракатланувчи автомобиллар ишлаб чиқарувчилари тобора фаолашиб бормоқда. Ривожланаётган ишлаб чиқариш корхоналари атроф-муҳитни шу қадар ифлослантирадими, йирик саноат марказлари осмонда доим зарарли тўғун тўпналиб туради.

Шуни инобатга олиб, электромобилларга мажбурий ўтиштириш шарҳлиқларининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган қурашда самара бериши кутилмоқда.

«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими

Тоҳир СОЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изҳор этади.

ШУКРОНАЛИК

■ Отам дуоси бизга ўзлигимизни англатган, қаддимизни кўтарган мустақиллик неъматларига шукроналик келтирган халқнинг дуосидек туюлди.

ОТАМ ДУОСИ

ёки ярим аср кечиккан жаноза

Баъзан мустабид тузум даврларини эл-сам, ўтган умр қўрқинчли тушга ўхшайди. Истиқлол туфайли ўз эркини қўлга киритган Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама эришайтган ютуқлари, томирларида улғ аждодларимиз, алломаларимиз қони жўш уриб турган фарзандларимизнинг дунё минбарларида юлиб чиқиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтараётганини кўриб қувонаман.

1970 йилнинг 25 майида мактабимиздаги битирув оқшомига қатнаша олмадим. Чунки ўша кунни пишган гиштдан икки хонали уй қургани учун отамни қамаб қўйишди. Эртасига унинг икки ўртоғи келиб, чала уйнинг гиштини ариқдаги лой билан суваб чиқишди. Пахлавон отажоним уч кунлик сўроқдан кейин ранги бир ахволда, кичкина тортиб, уйга кириб келди.

«Раис бува сотган сигир-бузоғим, йиллик даромадим ҳақида органга ҳужжат берибди», — деди отам уйга қайтганидан қувониб. Ушанда унинг йўғлаб туриб ҳам яқинларига ичидаги дардини билдирмаслик учун ўзини қувнок кўрсатишга уриниши мурғак тасаввуримга сиғмасди.

Энди ўйлаб қарасам, ўша даврнинг ситамларига гирифторм бўлган, кўзлари ич-ичига чўккан отажоним ўзиданмас, биз саккиз фарзанди тақдирдан қўрққан, «Мени олиб кетишса, оиламнинг аҳоли не кечадиган?» деб қўйинган экан.

Ярим асрдан олдин отажонимдан ёдгорлик бўлиб қолган бу тарихий уйни энди Шавкат уми янатиб, маҳоратли устунлар билан беэзаб қўйибди. Тадбиркорликка кенг йўл очиб, халқнинг кўнгли-ю, турмуши обод

бўлиши учун узлуксиз ислохотлар олиб бораётган Ўзбекистонимизни дуо қилиб ўтирган, озоод замона сабаб, Ҳожи она бўлган саксон ёшдан ошган Махбуба она-жонимнинг хурсандчилигига шерик бўламан.

Ўша даврда югуриб-елиб даромад орттирганлар ҳукумат одамлари билиб қолмаслиги учун доим хавотирда юрган, энгил машина олгани ёки эғнидаги импорт кийимни учун сўроқ бериб, юрак ўйноғига дучор бўлгани ҳақида фарзандларимга гапириб берсам, улар эртак ёки афсона эшитгандай бўладилар.

Мен ҳатто мабодо отам энгил машина сотиб олсалар, машина учун пул қўшганман, дейиш учун болалигимда чиққан шеърларимга олган қалам ҳақини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам йиғиб юрардим. Биринчи китобим етти йиллик сарсонгарчиликлардан сўнг чоп қилинганни ҳали-ҳали яхши эслайман. Энди эса, истиқлолни улғулаётган, «Зулфиянинг қизи бўламан» деган ҳаракатда ўз истеъдодини ҳар томонлама намоён қилаётган сергайрат қизчаларимизнинг шеърӣ китобларини кўриб, яна шукрона қиламан.

Узоққа бормайлик, Тошкентимиз қиёфасига бир



У.А. Сурган.

Туроб акам урушдан қўлтиқ таёқда қайтди. Эргаш акам бедарак кетди...

қаранг. Ҳар кун бир ўзгариш, ҳар кун бир янгиланиш. Мана-ман деган дунё шаҳарларидан қилинмайдиган са-лобатли кўприклар, бири-бирини тақорламас муҳта-шам иморатлар, ёшлар, бо-лалар саройлари, хиёбону ис-тироҳат боғлари... Буларни кўриб, кўнглим осмон қа-дар юксалади, ҳур Ватанимизга кўз тегмасин, деб Яратганга илтижо қиламан...

2002 йилда отажоним билан Мустақиллик майдонига бордик. Бир вақтлар офтоб жазирамасида хансираб, ёниб, ётадиган асфальт-бе-тон майдон яшил кўкалам-зорга, чинакам сайлгоҳга

айланганини кўриб, бола-лардай қувондилар. Кейин майдонга ўрнатилган Мотам-саро она ҳайкалига қараб, уни урушга кетган фарзанд-ларини кутавериш, дунёдан кўзи очик кетган Ҳамро она-ларига ўхшатдилар.

— Бу онажонимнинг ҳай-кали-ку, — деб йўғлаб юбор-дилар. — Эшик олдида, энги-узун қўйлақда акаларим йўлига интизор бўлиб ўтди-лар онаизорим. Туроб акам урушдан қўлтиқ таёқда қай-тди. Эргаш акам бедарак кет-ди...

Ўш ерда Хотира китобини варақлаб, тўнгич акалари Эргаш Абдуазимов 1943 йил, 21 ёшида ҳалок бўлгани ҳақидаги маълумотни отамга ўқиб бердик.

— Нега бу ҳақда менга ол-динроқ айтилмадикининг? — дея отам биздан хафа бўлди-лар.

Хафа бўлганлари ўринли, биз ўзимизнинг эътиборсиз-лигимиз, бепарволигимиздан қаттиқ уялдик.

— Бедарак кетмаган экан акажоним! Ётган жойлари, оламдан ўтган кунлари аниқ

экан, — дедилар кўзлари нам-ланиб отам.

Кейин шу ерга ўтириб, акалари, Хотира китобида қайд этилган инсонлар руҳи-га дуои фотиҳа қилдилар.

Кўп ўтмай, отам ховлида Эргаш акамимга жаноза ўқитиб, эҳсон қилдилар. Хо-тира китоби орқали Ўзбеки-стон тинчлиги ва оқсоқилиги учун узоқ ўлкаларда ши-рин жонини қурбон қилган-ларнинг номини тиклаган фи-доеи инсонларга узоқ умр ти-ладилар. Отам дуоси бизга ўзлигимизни англатган, қад-димизни кўтарган мустақил-лик неъматларига шукрона-лик келтирган халқнинг дуо-сидек туюлди.

Халқ кўнглида сақланади рўшнолик, Ҳақ йўлида чархланади рўшнолик.

Улғу мақсад умри бўлса пойидор, Ҳар борада ёқланади рўшнолик!

Умида АБДУАЗИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган
маданият ходими.

СПОРТ

Алмати (Қозоғистон)да дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумидаги йи-рик халқаро турнирда дунё-нинг саксон уч давлати полвонлари голиблик учун майдонга тушди.

Уч бронза медаль

Шу йилнинг августида Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлнамалари учун рейтинг очколари тақдим этув-чи мазкур мусобақада дзюдочиларимиз ҳам муносиб катнашди.

Унда бир йўла уч нафар полво-нимиз — Шарофиддин Лутфулла-ев, Дирбек Уразбоев ҳамда Сойиб Курбонов ўз вазн тоифаларида бронза медаллари билан тақдир-



ланди ва муҳим рейтинг очколари-ни қўлга киритишди.

Яна бир йўлланма

Хитойнинг Шанхай шаҳрида энгил атлетика бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда моҳир спортчимиз Нада Дусанова совриндорлар сафидан жой олди.

Энгил атлетикачимиз баланд-ликка сакраш баҳсларида 1 метру 94 сантиметр натижани қайд этди ва қумуш медаль билан тақдирлан-ди. Бу ютуқ Надага Рио-де-Жа-нейро олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этди.

Эркин ХОЛБОБОВ

ЭЪЛОН

«Toshkent universal auksion savdo» МЧЖ

«Ўзбекистон овози» газетаси-нинг 2016 йил 23 апрель, 48-сонида берилган эълондаги аук-цион савдоларига қўйилган «HUQUQ VA BURCH» ижтимо-ий-ҳуқуқий журнали балансида-ги давлат рақами 01/203LAA бўлган «Нексия S-150» русумли автотранспорт воситаси ушбу ташкилотнинг 2016 йил 11 май-даги 22-10-60/04-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

ОБ-ҲАВО	17-18.05 — 2016
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+13 / +18	+23 / +28
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+15 / +20	+27 / +32
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+13 / +18	+23 / +28
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+15 / +20	+28 / +33
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+13 / +18	+22 / +27
Тошкент шаҳри	
+15 / +17	+25 / +27



РАНГ-БАРАНГ ЯНГИЛИКЛАР

Куёш энергиясида ишлайдиган ошхона пойиҳаси тақдим этилди

Пойтахтимизда ўтказил-ган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида Фанлар академиясининг «Физика-Куёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Мате-риалшунослик институти олимлари томонидан куёш энергияси асосида ишлайди-ган ошхона лойиҳаси намо-йиш этилди. Бу ҳақда uz24.uz сайти хабар бермоқда.



Ярмаркада тақдим этил-ган қарийб 650 янги лойиҳа-нинг 70 дан ортиғи ёш олим-лар ва талабаларга тегишли-дир.

Шекспир асарлари асосида фестиваль бўлиб ўтади

Шекспир асарлари асо-сидида фестивални ташкил этиш ва ўтказиш учун Роз Бруфорд театр ва актёрлик маҳорати коллежининг му-тахассиси Жон Такер Тош-кентга ташриф буюрди. Бу ҳақда Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги ваколатхо-наси матбуот хизмати хабар таркатган.

Фестиваль Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бўлиб ўтади. Унда институт талабалари, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар театри актёрлари иштирок этади.

Бундан ташқари, Жон Такер 16-20 май кунлари янги ўқув модули юзасидан институт мураббийлари билан учра-шув ўтказди.

«Фахрийларга таъзим»

концерт дастури

«Истиқлол» санъат са-ройида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томони-дан Хотира ва қадрлаш ку-нига бағишлаб, «Фахрий-ларга таъзим» номи хай-рия концерти ўтказилди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хиз-мати хабар бермоқда.



Тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ме-хнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, Мурувват ва Са-ховат уйларида яшовчилар тақлиф этилди.



Экотехнологиялар соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда

Тошкент шаҳрида 14 май куні IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси дои-расида экотехнологиялар бўйича Ўзбекистон — Япония симпозиуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожланти-ришни мувофиқлаштириш қўмита-си ҳамда Прогнозлаштириш ва мак-роиктисодий тадқиқотлар институ-ти томонидан Япониянинг «Honda» фонди ва Япония сиёсий тадқиқот-лар миллий институти ҳамкорлиги-да ташкил этилган мазкур тадбир-да икки мамлакатнинг иқтисодиёт, машинасозлик, атроф-муҳит муҳо-фазаси, илм-фан соҳаларида фао-лият юритувчи компания ва кон-цернлари раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Фан-лар академияси президенти Ш.Со-лихов, Япониянинг мамлакатимиз-даги Фавкулдада ва мухтор элчиси Ф.Като ва бошқалар Ўзбекистон бил-лан Япония ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари барча соҳаларда из-чил ривожланиб бораётганини, бу-нда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган кели-шувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъ-кидлади.

Экотехнологиялар — Ўзбеки-стон ва Япония ўртасидаги ҳам-корликнинг муҳим йўналишлари-дан. Бу борада илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юр-тлари ўртасидаги алоқалар тобора

фаоллашмоқда. Япония Таълим, маданият, спорт, фан ва техно-логиялар вазирлигининг ўқув дас-турлари ҳамда «Тараққиётга рас-мий қўмак» дастури бўйича Ўзе-бекистондан Кунчиқар мамлакатга талабалар юборилмоқда.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника универси-тети ҳузурида Ўзбекистон — Япо-ния ёшларининг инновация мар-казини ташкил этиш ишлари олиб борилаётди. Бу марказ ёш олим-ларини рағбатлантириш, уларнинг дунёдаги тенгдошлари билан таж-риба алмашиши учун катта имко-ният яратди. Марказ фаолиятини ташкил этиш жараёнига профес-сор-ўқитувчилар билан бирга ёш олимлар, чет эл олий ўқув юр-тлари изланувчилари ҳам жалб этил-ган.

— Инсониятнинг барқарор ри-вожланишига, атроф-муҳит мусо-фолигига таҳдид солаётган эколо-гик муаммоларни бартараф этиш йўлида экотехнологиялардан фой-даланиш муҳим аҳамиятга эга, — деди Япониянинг «Honda» фонди президенти Хирою Ишида. — Ўзе-бекистонда бу борада изчил чора-тад-бирлар амалга оширилаётгани эътиборга сазовор. Мамлакатнинг билан ўзаро муносабатларни яна-да мустаҳкамлаш, жумладан, эко-

технологиялар соҳасида ҳамкорлик-ни ривожлантириш тарафдоримиз. Мазкур анжуман икки томонлама алоқаларнинг янги қирраларини кашф этиш, фойдали келишувлар-га эришиш ва ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Симпозиум иштирокчилари Ўзбекистонда экотехнологиялар со-ҳасини ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқларни юқори ба-ҳолади. Меҳмонларга мамлакатим-изда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уни қайта тиклашни таъмин-лайдиган инновацион технология-ларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилаётган ишлар, қайта тикла-нувчи энергия манбаларидан сама-рали фойдаланиш услублари ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасида экотехнологиялар соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли таҳлил қилиниб, уни янада ривожлантириш юзасидан фикр ал-машилди. Технологик эволюция ва иқтисодий ривожланиш, қайта тик-ланувчи энергия манбаларини тат-биқ этишининг ҳуқуқий таъминла-ри, катта шаҳарлардаги сув инфра-тузилмалари учун экотехнология-лар, атроф-муҳит ва қурилиш со-ҳаларида замонавий ва ресурсте-жамкор технологиялар, инсон ва атроф-муҳит билан фан, техноло-гия ва иқтисодий ривожланиш уй-ғунлигига оид маърузалар тинглан-ди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etiladi.

Korxonaga manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
14552
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20:35
Topshirilgan vaqti — 23:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)